



# V GLOBAL SCIENCE AND INNOVATIONS 2019: CENTRAL ASIA

INTERNATIONAL-SCIENTIFIC PRACTICAL CONFERENCE

KAZAKHSTAN/RUSSIA/BELARUS/KYRGYZSTAN/MONGOLIA/  
TAJIKISTAN/TURKEY/UKRAINE/UZBEKISTAN



ASTANA 2019



VOBEEK

INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE  
«GLOBAL SCIENCE AND INNOVATIONS 2019: CENTRAL ASIA»  
ASTANA, KAZAKHSTAN, MARCH 2019

Жалилов С (Ўзбекистон, Нукус) ҚОРАҚАЛПОҚ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА БИРИКМА ШАКЛДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ТЕРМИНЛАР .....	203
Аида Батухан (Астана, Қазақстан) СЫР Өңірінің рухани жаңғыруы – облыстық телеарна тарихында .....	206
Кенжаева Дилдора Тиркашевна, Аширова Сожида Бахромовна (Қарши, Ўзбекистон) Ұйинчоқлар- болалар дунёқарашилини шакллантиришининг воситаси сифатида .....	211
Туленова Асель Ауэзовна (Ақтөбе, Қазақстан) «ҚАЗАҚ ХАЛҚЫНЫҢ САЛТ-ДӘСТҮРЛЕРІ» .....	213
Kadirova Dilfuza Nigmatovna, Daminov Askarali Davlatovich, Uzakov Umid Tolibovich (Tashkent, Uzbekistan) TECHNOLOGY OF PRODUCTION OF TECHNICAL TAPES AND THE STUDY OF THEIR PROPERTIES .....	216
Кутгыбаев Ерлан Маратович, Сабитова Дана Сайрановна (Кокшетау, Республика Казахстан) ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ ЗЕМЕЛЬНЫХ РЕСУРСОВ КАЗАХСТАНА .....	219
Сушинская Надежда Леонидовна, Дзюбан Ольга Валентиновна (Минск, Беларусь) ОЦЕНКА АНТИФУНГАЛЬНЫХ СВОЙСТВ НЕКОТОРЫХ РАСТИТЕЛЬНЫХ МАСЕЛ И МАСЛЯНЫХ ВЫТЯЖЕК В КОСМЕТИЧЕСКИХ ПРОДУКТАХ .....	222
Бүриев В.Ш., Эрназарова Г., Қосимова С.Т. (Ташкент, Ўзбекистон) ПОВЫШЕНИЕ НЕСУЩЕЙ СПОСОБНОСТИ КИРПИЧНЫХ ЗДАНИЙ .....	226
Өскенбай А,Турабаева Л.К. (Шымкент, Қазақстан) ТІЛ МӘДЕНИЕТІН ҚАЛЫПТАСТЫРУДАҒЫ ОТБАСЫНЫҢ ОРНЫ .....	230
Кабакбаев Ахан Сатбаевич (Ақтөбе, Қазақстан) ИННОВАЦИОННЫЕ ПОЛИТИКА В СФЕРЕ УПРАВЛЕНИЯ ЖИЛИЩНО-КОММУНАЛЬНЫМ ХОЗЯЙСТВОМ .....	233
Utémisov Askarbek Orazimbetovich (Nukus, Uzbekistan) MODERN INFORMATION TECHNOLOGIES IN THE TRAINING OF SPECIALISTS IN PHYSICAL CULTURE AND SPORTS .....	237
Alena Belaya (Baranovich, Belarus) "TWO SOULS" AS A PHILOSOPHICAL, PSYCHOLOGICAL AND AESTHETIC PHENOMENON OF TRANSITIONAL EPOCH (BASED ON BELARUSIAN PROSE OF THE FIRST THIRD OF THE 20 <sup>TH</sup> CENTURY) ..	242
Айбын А, Абилябекова Б ( Қостанай, Қазақстан ) СИНОНИМ СӨЗДЕРДІҢ МАҒЫНАЛЫҚ РЕҢКТЕРІ МЕН ЖАСАЛУ ЖОЛДАРЫ .....	246
Токкулиева Улбала Қосибаевна (Алматы, Қазақстан) СОЦИОЛОГИЯ ИСКУССТВА И МОДЕРНИЗМ .....	250
Есенберлина Г.С.ЖЕКЕ ТҮЛҒАНЫ ҚАЛЫПТАСТЫРУДАҒЫ АҒЫЛШЫН ТІЛІН ҮЙРЕТУДІҢ ЖӘНЕ САБАҚТАҒЫ ИНТЕРАКТИВТІК ТӘСІЛДІ ҚОЛДАНУДЫҢ ЕРЕКШЕЛІКТЕРІ .....	254
Юлдошева Нилуфар Эргашевна (Қарши, Ўзбекистон) ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ [WR] КЎРИНИШЛИ ЙИҒИҚ ГАПЛАР СИНТАКТИК УНИВЕРСАЛИЯНИНГ ТИПИК КЎРИНИШИ СИФАТИДА .....	258
Гулчехра Имомова Мухаммадиевна (Қарши, Ўзбекистон) ЧИНГИЗ АЙТМАТОВНИНГ БАДИИЙ СИНТЕЗДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ .....	261
Карамова Шохида Луфтиллаевна (Қарши, Ўзбекистон) ПОЭТИК ИДРОК ВА БАДИИЙ ИФОДА .....	264
Гулрухбегим Равшанова Қахрамоновна (Қарши, Ўзбекистон) АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИДАГИ "ҲАЗИЛЛАР" .....	268
Сапарова Нуржамал Бегайдаровна (Ташкент, Ўзбекистон) ЛИНГВОДИДАКТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОБУЧЕНИЯ НОМИНАЦЕНТРИЧЕСКИМ ПОСЛОВИЦАМ РУССКОГО ЯЗЫКА В КАЗАХСКОЙ АУДИТОРИИ .....	271

виждонийлик, ташаббускорлик, болажонлик, талабчанлик, адолатпарварлик, педагогик одоб, қатъийлик, ҳар қандай вазиятда ўзини идора қила олиш, миллатлараро мулоқот маданияти, кузатувчанлик, самимийлик, топқирлик, келажакка ишонч, хушмуомалалилик ва шу каби фазилатлар мисолида ифодаланган бўлса, касбий сифатлар тизимида: педагогик зийраклик, миллий тарбиянинг моҳияти ва мазмунини чуқур англаши, мукамал илмий-назарий салоҳият, педагогик ижод, ўз фанининг тарбиявий имкониятларидан хабардорлик, педагогик билимларни такомиллаштиришга интилиш, ўзбек халқининг қадриятлари, урф – одатларини яхши англаш, сиёсат, тарих, маданият, маънавият, адабиёт ва санъат, ахлоқшунослик, диншунослик, ҳуқуқшунослик, ўлкашунослик, техникага оид маълумотлардан хабардорлик, этнопедагогика, этнопсихологияга оид билимларга эга бўлиш ўқитувчи фаолиятининг муваффақиятли омилдир.<sup>26</sup>

Бўлажак ўқитувчи-мураббийлар педагогик жараёнда миллий педагогиканинг бой тажрибаларига таяниб, таълим соҳасида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида таълим тизимига инновацияларни жорий этиши орқали аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологияларни қўллаш олиши муҳим аҳамиятга эга. Бу каби ишлар кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури талабларини бажаришга амалий кўрсатмадир. Демак, мутахассис - мураббий ўз педагогик маҳоратини, касбга доир вазифаларини ҳал қилиш қанчалик қўлидан келишини доимо текшириб бориши бола онги ҳамда қалбига энг яхши йўллари ахтариши кераклиги ўзининг обрў эътиборининг юксалишига қолаверса баркамол ёш авлоднинг ривожланиш истикболларини ҳам белгилаш имконини беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаева Ш. А. ва бошқ. «Педагогика» – Тошкент., Фан нашриёти. 2004 йил.
2. Ахмеджанов М.М. Педагогик маҳорат. -Тошкент 2004 йил, 25 бет
3. Очилов М., Очилова Н. «Ўқитувчи одоби». – Т.: «Ўқитувчи», 1997 йил.
4. Подласый И.П. – «Педагогика» Новый курс. В 2-х книгах,- М.:Владос, 2003 г.
5. Куръонов М., Муранов Б. Миллий дастур ўқитувчи профиограммасида – «Халқ таълими», 1998, 1 – сон, 42 – 45 бетлар.

### ҚОРАҚАЛПОҚ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА БИРИКМА ШАКЛДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ТЕРМИНЛАР

С.Жалилов – Ўзбекистон, Нукус ДПИ Ўзбек тили кафедраси

Терминлар лексиканинг ўзига хос назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қатлами ҳисобланади. Шу сабабли у доимо соҳа вакиллари ва тилшунослар диққат марказида туриши лозим бўлган ҳодисадир.

Қорақалпоқ тилшунослигида термин ва терминология масалаларига эътибор ХХ асрнинг 30-йилларидан бошланганлигини кўриш мумкин. Дастлаб маҳаллий нашрлардаги терминлар бўйича сўзликлар яратила бошланди. Қ.Айёмбетовнинг «Русча-қорақалпоқча

<sup>26</sup>Куръонов М., Муранов Б. Миллий дастур ўқитувчи профиограммасида – «Халқ таълими», 1998, 1 – сон, 42 – 45 бетлар.



иш юритиш атамалари”, Ў.Болешов ва А.Канесвларнинг “Математика терминларининг русча-қорақалпоқча сўзлиги” ҳамда С.Булатовнинг “Физика бўйича терминларнинг русча-қорақалпоқча сўзлиги” кабилар шулар жумласидандир. Шу билан бирга, ўша даврда майдонга келган Н.А.Баскаковнинг “Краткая грамматика каракалпакского языка” (1931-1932) китобида қорақалпоқ тили лексикасининг айрим жиҳатларига, жумладан, атамаларга ҳам ўрин ажратилган. Аммо қорақалпоқ тили лексикаси масалалари бўйича илмий асосда олиб борилган тадқиқот ишлари ўтган асрнинг 60-йилларидан бошланган дейиш мумкин. Бу борада А.Н.Баскаковнинг “Состав лексики каракалпакского языка и структура слов” (1962), С.Е.Маловнинг “Заметки о каракалпакском языке” (1966), Е.Бердимуратовнинг номзодлик иши асосида ёзилган “Ҳозирги замон қорақалпоқ тили. Лексика” каби ишларни таъкидлаш ўринли. Бевосита соҳалар терминологияси масалалари ўрганилган ишлар қаторига Ш.Каримхўжаевнинг “Қорақалпоқ тилидаги дехқончилик терминларини ўрганиш масалалари” (1970), Қ.Пирниязовнинг “Қорақалпоқ лингвистик терминологиясининг шаклланиши ва ривожланиши” (1981), Ш.Аланиязовнинг “Қорақалпоқ тилидаги кўл хунари терминлари” (1981), А.Пирниязовнинг “Пути формирования и развития общественно-политической лексики в современном каракалпакском языке” (Автореф.дис. ...канд.филол.наук. –Ташкент, 1986) ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишларини келтириш мумкин. Бугунги кунга келиб қорақалпоқ тилининг барча сатҳлари бўйича илмий асосланган тадқиқотлар, китоблар ва кўланмаларнинг нашр этилганлигини ҳам қайд этиш ўринли.

Ўзбек тили лексик қатламларини илмий тадқиқ қилиш масаласига асосан ўтган асрнинг биринчи чорагидан кейин эътибор берилди бошланганини кўриш мумкин. Ўзбек тили терминологиясининг илмий тадқиқи Улуғ Турсунов номи билан боғлиқ. У биринчилардан бўлиб ўзбек тили терминологияси масалаларига бағишлаб қатор асарлар ёзган олимлардан биридир. Унинг «Тил - терминологияда буржуазия интилишларига қарши», «Ўзбек терминологияси масалалари» (1933), «Терминология масалалари» (1933), «Ўзбек адабий тилида сўз-терминлар танлаш принциплари» (1956) каби тадқиқотлари аҳамиятлилиги билан ўзбек терминологиясининг ривожига ҳисса бўлиб қўшилди.

Ўзбек терминологиясида ўтган асрнинг 50-йилларидан кейин қатор салмоқли илмий ишлар амалга оширилганлиги, яъни номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқланганлиги, монографиялар ва рисолалар чоп этилганлиги, кўламли мақолалар эълон қилинганлиги маълум. Бу борада Насим Маматовнинг “Ўзбек пахтачилик терминологияси” (1955), Собиржон Иброхимовнинг “Фарғона шеваларининг касб-хунари лексикаси”(1959) каби ишларини атаб ўтиш ўринли. Саидолим Усмоновнинг “Ўзбек терминологиясининг баъзи масалалари” (1968) ва бошқа тадқиқотлар терминология соҳасида олиб борилган самарали ишлар дейиш мумкин.

Шу жараёнда терминларнинг тил лексикасига кириб келиш тарихи, уларнинг маъно ва мавзу гуруҳлари, грамматик тузилиши ва ясалиши, тараққиёт йўли ва бойиш манбалари ҳақида назарий масалалари ҳам ишлаб чиқилди. XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб эса соҳалар терминларини ўрганиш ишлари майдонга кела бошлади.

Турколог олим К.Мусаев ўз ишларидан бирида шундай ёзган эди: «Туркий тиллар лексикаси ва семантикасидаги умумий ва фарқли элементларни систематик равишда қиёсий ўрганиб бориш туркологиянинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда»[1.10]. Шу нуқтаи назардан қаралганда, туркий тиллар лексикасини, хусусан терминологиясини ўрганиш муҳим масалалардан саналади.

Туркий тиллар лексикасининг бойиши, асосан, ички ресурслардан фойдаланган ҳолда сўз яшаш усули ва бошқа тиллардан лексемалар ўзлаштириш ҳисобига амалга оширилади. Бунда сўз ясалишининг хилма-хил усулларини (синтетик, аналитик, лексик, семантик) чуқур таҳлил қилиш, шу билан бирга, ўзлашмаларнинг маъносига ҳам етарли баҳо бериш ва улар ҳақида назарий ва амалий хулосалар чиқаришга имкон туғдиради.



Қорақалпоқ ва ўзбек тиллари яқин туркий тиллардан бўлишига қарамасдан уларнинг луғат бойлигида муштарак birlikлар билан бирга номуштараклик ҳолатларини кузатиш мумкин. Буни ижтимоий-сиёсий терминлар мисолида ҳам учратиш мумкин.

Таъкидлаш жонзки, қорақалпоқ ва ўзбек тиллари ижтимоий-сиёсий терминологик тизимида, асосан, мустақил маъноли икки сўздан иборат бирикма терминлар алоҳида ўринни эгаллайди. Шу билан бирга, мазкур тиллар ижтимоий-сиёсий терминологиясида уч ва ундан ортиқ компонентли бирикма терминлар ҳам тез-тез учраб туради:

- парахатшылықты қорғау сиясаты–тинчликни сақлаш сиёсати, аймақлық экономикалық аўқам–худудий иқтисодий иттифок;
- өзин-өзи басқарыу уйымлары –ўзини ўзи бошқариш органлари;
- миннетли күшке ийе болған пәрман –мажбурий кучга эга бўлған фармон.

Бироқ ҳар иккала тилда ҳам у ёки бу ижтимоий-сиёсий тушунчани ифодалаш мақсадида, кўпинча икки компонентли бирикма терминлардан фойдаланаётганлиги маълум бўлди. Иккала тилдаги бундай терминларнинг фарқли жиҳатлари ҳақида гап кетар экан, қуйидаги ҳолатлар кўзга яққол ташланиши таъкидлаб ўтиш лозим (бу ўринда қиёслаш учун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг қорақалпоқча таржимасидан манба сифатида фойдаланилди. Ўрни билан бошқа манбаларга ҳам муурожаат этилди).

Айрим ҳолларда ўзбек тилидаги икки компонентли бирикма терминларга қорақалпоқ тилида уч компонентли бирикма терминлар эквивалент бўлиб келади. Қуйида келтирилган мисоллар шундан далолат беради:

Ўзбек тилида	Қорақалпоқ тилида
Мухтор вакил	Тольқ хуқықлы ўэкил
Умуминсоний принциплар	Улыўма адамгершилик принциплери
Далатлараро тузилмалар	Мәмлекетлер аралық дүзимлер
Мерос хукуки	Мийрас етиў хуқықы
Умуммиллий бойлик	Улыўма миллий байлық
Парламентлараро алоқалар	Парламентлер аралық байланыс
Давлатлараро шартнома	Мәмлекетлер аралық шәртнама

Қорақалпоқ ва ўзбек тиллари ижтимоий-сиёсий терминологиясида бир-бирдан шаклан фарқ қилувчи бирикма терминлар анча эканлигини кўриш мумкин. Бирикма терминлардаги фарқли хусусиятларини қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

- таркиби ҳар хил бўлған терминлар;
- таркибидаги лексик birlikларнинг ясалиши жиҳатидан ҳар хил бўлған терминлар.

Қорақалпоқ тилида	Ўзбек тилида
Хәмелдар шахс (хәмелдар адам)	Мансабдор шахс
Басқарыу уйымлары	Идора органлари
Мәмлекетлик уйымлар	Давлат органлари
Конституциялық дүзим	Конституциявий тузум
Нызамсыз ҳәрекетлер	Ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар

Қорақалпоқ тилидаги бирикма терминларнинг айрим турлари ҳам борки, уларга ўзбек тилида ҳар иккала компоненти ҳам шаклан бир-бирдан фарқ қилувчи лексик birlikлар тўғри келади. Қиёс қилайлик:

Қорақалпоқ тилида	Ўзбек тилида
Меншиқ қатнасықлары	Мулкий муносабатлар
Қарсы топар	Муҳолифатчи гуруҳ
Нызамлы мәплер	Қонуний манфаатлар
Тийкаргы хуқық	Асосий хуқық



Қорақалпоқ ва ўзбек тилларини ана шу жиҳатларига кўра тадқиқ ва таҳлил қилиш бугунги кун тилшунослигининг долзарб масалаларидан биридир. Бу эса ҳар иккала тилдаги ижтимоий-сиёсий ҳужжатлар тилини тартибга келтириш, номинатив вазифасини аниқ белгилаш ва таржима қилиш масалаларида ҳам ўзига хос ўринни эгаллаши, шубҳасиз.

#### Адабиётлар

1. Мусаев К. Лексикология тюркских языков. – М.: Наука, 1984.
2. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституциялари. –Т.: 2016.

### СЫР ӨҢІРІНІҢ РУХАНИ ЖАҢҒЫРУЫ – ОБЛЫСТЫҚ ТЕЛЕАРНА ТАРИХЫНДА

Аида Батухан

Л.Н.Гумилев атындағы Еуразия Ұлттық университеті  
Журналистика және саясаттану факультетінің 1-курс магистранты

Елбасының «Ұлы даланың жеті қыры» мақаласындағы «Кеңістік – барлық нәрсенің, ал уақыт – бүкіл оқиғаның өлшемі. Уақыт пен кеңістіктің көкжиегі тоғысқан кезде ұлт тарихы басталады» деп айтуы тарихтың құндылығын көрсетсе керек [1]. Мақалада төл тарихын білетін, бағалайтын және мақтан ететін халықтың болашағына сенетіндігін, өткенін мақтан тұтып, бүгінін бағалай білетін елдің табысты болатындығын айтады.

Қазіргі уақытта өткенге үңіліп, тарихты, тарихи бастауларды, тәжірибені ынта қойып зерделесек қоғамның бүгінгі жағдайын терсеірек ұғынамыз. Мұның өзі тарихтан тағылым алып, болашаққа сеніммен қарауға жол ашары сөзсіз. Өткен күнді ой елегінен өткізіп сабақ алу – бүгінгі күннің еншісі болып отыр.

Сыр өңіріндегі облыстық телеарна тарихы да тәуелсіздікпен қатар қалыптасып, дамып келеді. Ең алғаш Сыр өңірінде 1989 жылы теледидар құру туралы мәселе көтеріліп, мерзімді басылым беттерінде қызу пікірталастар жүргізілді. Халықтың басым бөлігі бастаманы қолдап, осындай жауапкершілігі мол жұмыс қолға алынды. Нәтижесінде 1991 жылы 30 сәуірде жергілікті уақыт бойынша 21 сағат 15 минутта Қызылорда облыстық телеарнасы тұңғыш рет эфирге шықты.

1990 жылы Қызылорда облтелерадиокомпаниясының төрағасы Жақсылық Асқарұлы Бекқожаев сол кездегі облыстық атқару комитетінің төрағасы В.А.Брыкиннен көмек сұрайды. Сонымен қатар республиканың телевизия және радиохабары Мемлекеттік комитетіндегі жанашыр азаматтар қолдап, үлкен күш-қайрат көрсетті. Аталмыш комитет өз есебінен 3,5 миллион сомның техникалық жабдықтарын берсе, облыс қазынасынан 1,8 миллион сом бөлінді [2]. Ж.Бекқожаев телерадиохабардың құрылуына белсене қатысты. КСРО-ның құрметті азаматы, Сыр елі тележурналистерінің ұстазы, қамқор, білікті басшы ретінде тарихта есімі қалды. Сол кісінің арнайы шақыртуымен Алматы қаласынан А.Бапишев бастаған техникалық және шығармашылық қызметкерлер Сыр еліне келіп, өз көмектерін берді.

1991 жылдың 30 сәуірінде 30 минуттік алғашқы бағдарлама эфирден берілді. Бағдарлама бірнеше сюжеттерден тұрды. Ең алғашқы сюжеттің басты кейіпкері Жамбыл атындағы совхоздың өндірістік бригадасының бригадирі Жанбырбай Қожауов сияқты еңбек адамы болды. Ал келесі күнінде, яғни 11 мамырда Ж.Бекқожаев, А.Шалғынбаева,

